
“РУХСОР FM” “UZBEKISTAN MEDIA AWARD – 2021” ИЖТИМОЙ МЕДИА МАҲСУЛОТЛАР ТАНЛОВИДА ҒОЛИБ БЎЛДИ

Кеча “Ўзбекфильм” киноконцернида “UZBEKISTAN MEDIA AWARD – 2021” ижтимоий медиа маҳсулотлар танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

“Рухсор FM” радиоканали Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган энг яхши ижтимоий аудиоролик йўналишида ғолиб деб топилди. «Рухсор телерадиоканали» МЧЖ бош директори Нуриддин Асқаровга махсус диплом, статуэтка ва танловнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

“UZBEKISTAN MEDIA AWARD – 2021” танловидан кўзда тутилган мақсад Ўзбекистоннинг янги ва ёрқин қиёфасини акс эттириш, миллий манфаатларимизга, томошабин ва тингловчилар эҳтиёжларига мос, воқеа-ҳодисаларни ҳолис акс эттирувчи, ранг-баранг мавзуларни қамраб олган кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, фильмлар, ижтимоий видео ва аудиороликлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш, журналистларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, веб-сайтлар ва блогерлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),

2021-12-29 08:15:02